

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ЙЎЛДОШ ЮСУПБОВЕВИЧ

**СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ ТУЗИЛИШЛИ
МОЛЕКУЛАЛАР АДСОРБЦИЯСИНИНГ ЭНЕРГЕТИКАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Якубов Йўлдош Юсупбоевич

Синтетик цеолитларда турли хил тузилишли молекулалар адсорбциясининг энергетикаси..... 3

Якубов Йўлдош Юсупбоевич

Энергетика адсорбции молекул различного строения в синтетических цеолитах..... 29

Yakubov Yuldosh Yusupboevich

Energy of adsorption of molecules of different structure in synthetic zeolites..... 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ЙЎЛДОШ ЮСУПБОВЕВИЧ

**СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ ТУЗИЛИШЛИ
МОЛЕКУЛАЛАР АДСОРБЦИЯСИНИНГ ЭНЕРГЕТИКАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/K96 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.iopx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳматқариева Фируза Ғайратовна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Исмоилов Ровшан Исраилович
кимё фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» январь соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: iopxanruz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «8» январь куни тарқатилди.
(2021 йил 8-январьдаги № 1 рақамли реестр баённомаси)



КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида бир қанча соҳалар учун зарур бўлган сифатли ёқилғи хомашёларини олишда, юқори сорбцион хусусиятга эга адсорбентлар, ҳамда катализаторларни ишлаб чиқиш, қўллаш ва улардан фойдаланиб, керакли хусусиятга эга бўлган углеводород газларини олиш, нефт ва газни қайта ишлаш жараёнларига кўп функцияли-узлуксиз фаолликка эга, шунингдек сорбцион ва каталитик структурали адсорбент ва катализаторларни жорий этиш, ҳамда янги турдаги маҳаллий хомашёлардан турли хил ғовакликдаги адсорбентларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунга келиб табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотларини кўшимчалардан тозалашда, ҳамда қуритишда ишлатиладиган цеолитлар олишда қуйидаги илмий ечимларни асослаш, жумладан, цеолит синтези учун мос келувчи хом ашёни танлаш; олинган цеолитларни физик-кимёвий, энергетик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш; уларни адсорбцион ва фаол каталитик хусусиятлари, структура ғовакларининг тузилиши, фаол марказлари сони, кучи ва табиатини аниқлаш; адсорбцион микрокалориметр қурилмаси орқали олинган адсорбентларнинг сорбцион жараёнларини тўлиқ энергия механизмини аниқлаш лозим.

Республикамизда кимё саноатини жадал ривожлантиришда табиий газ, нефт маҳсулотларини кўшимчалардан тозалашда ва қуритишда ишлатиладиган цеолитларни олишда кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан кимё саноатини ривожлантиришда, табиий газ, нефт, нефт маҳсулотларини кўшимчалардан тозалашда ва қуритишда ишлатиладиган цеолитларни синтез қилиш ва уларни олиш технологиясини такомиллаштириш, фаол моддалар асосида янги адсорбентларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Цеолитларни ассортиментини кенгайтириш, уларнинг адсорбцион хусусиятларини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute for Mineralogy - Leibniz University Hannover (Германия), Ишимбай ихтисослаштирилган катализаторлар кимё заводи (Россия), International Neutron Centre ILL (Гренобль, Франция), The Institute of Chemical Technology (Испания), Нейтрон тадқиқотлари халқаро маркази (Россия), Кимёвий физика институти (Хитой) ва Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда синтетик цеолитлар синтези ва уларни қўллашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қўшимча катта бўшлиқли (ITQ-37) цеолитлар синтез қилинган (The Institute of Chemical Technology, Испания); AP-B, АГН-2, АРТ-1, БАУ ва МеКС углерод субстратларида металлорганик каркас тузилмалари яратилган (Физика-кимё ва электрокимё институти, Россия); синтетик А цеолитларни ($Li^+_4(H_2O)_4[Al_4Si_4O_{16}]$ -ABW), мавжуд бўлган ва нисбатан арзон хом-ашёлардан оддий усуллар билан юкори дисперсли шакллари олинган (Физика ва органик кимё институти, Грузия); аморфли титан фосфати TiP асосида сорбция материялини қабул қилувчи технология ишлаб чиқилган (Минерал маҳсулотлар ва ноёб элементлар технология ва кимёси институти, Россия).

Дунёда синтетик цеолитларни синтез қилиш ва таркибларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жумладан уларнинг хусусиятларини ўзгартириш ва гидрофобликни кучайтириш учун цеолитлар таркибига органик гуруҳларни киритиш; органометаллик каркас (MOF) - ноёб хусусиятларга эга янги материаллар синтез қилиш; Beta, ZSM-12, ZSM-34 ва RUB-13 органик SDA ишлатмасдан адсорбентларни олиш технологиясини яратиш; ионли суюқликлардан фойдаланиб янги цеолит материаллари SIZ-1, SIZ-2, SIZ-3, SIZ-4, SIZ-5 маркали цеолитлар синтез қилинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда олиб борилаётган бир қанча тадқиқот ишлари асосан, цеолитларнинг структураси ва уларнинг катионлар жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган. Лекин ароматик, нормал занжир тузилишли алканлар, квадрупол, кутбли ва кутбсиз каби молекулалар

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:

<https://www.njtech.admissions.cn>, <https://www.btu.bg/index.php/en/>, <https://www.min.uni.uni-hannover.de>,
<https://www.ishimbaimr.ru>, <https://www.itq.upv-csic.es>, <https://www.ionx.uz>

адсорбцияси жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган ва улар ҳақида маълумотлар тўлиқ келтирилмаган.

Хорижий олимлардан М.М.Дубинин (1960-1980 й.) биринчилардан бўлиб, калориметр усулида СаА цеолитларнинг изотермаларини аниқлаган. J.C.Moise, J.P.Bellat, A.Methivierлар адсорбцион калориметр усуларини қўллаб, Н.Н. Авгуль А.В. Киселев, Я.В. Мирский, М.В.Сердобовлар NaА цеолитида сув адсорбциясининг дифференциал иссиқлигини ва адсорбциянинг ўртача тўйинишигача бўлган қисмини ўрганишган. Xomeritakis, G. Tsapatsisлар гравиметр ва калориметр усулларида фаол марказларида водород катионли ZSM-5 цеолитида о-ксиллол, м-ксиллол ва п-ксиллоллар адсорбциясини ўрганган (1999). Bas Delphine, Goursot Annick, Weber Jacques, Wesolowski Tomasz лар ZSM-5 цеолитида CO₂ адсорбцияланиш механизмини аниқлаган (2004). Zhenhao Wena, Daqiang Yanga, Xuan Hea, Yunsheng Lia, Xuedong Zhu ZSM-5 цеолитида бензол молекулаларнинг адсорбцияланишни физикавий ва кимёвий хоссаларини аниқлашган (2016). Польшалик олим Wacław Makowski (2006) юқори кремнийли ZSM-5 цеолитида н-гептан, ҳамда унинг гомологлари адсорбциясини хроматографик усул орқали ўрганган.

Мамлакатимизда бу борада етук олимлардан К.С.Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Э.А.Арипов, А.А.Агзамходжаев, С.С.Хамраев, С.З.Мўминов, С.А.Абдурахимов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Х.И.Акбаров, Г.Р.Нарметова, И.Д.Эшметов, Д.С.Салиханова, Ш.А.Қўлдашева, Д.Ж.Жумаева ва бошқалар турли хил кўмир, синтетик, ҳамда табиий минерал сорбентлар намуналарида ҳар хил молекулаларнинг адсорбцияланишини, юқори вакуумли Мак-Бен-Бакра қурилмасида цеолитлар адсорбцияси изотермалари ва энергетикаларини ўрганганлар. Г.У.Рахматқариев раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Х.Р.Жалолов, Т.Рахматуллаева, Х.Н.Бахронов, В.Қ.Чориев, С.Д.Қурбонов, О.К.Эргашев, Ф.Г.Рахматқариева, Э.Б.Абдурахмонов, Ғ.А.Долиев, Т.Д.Абдулхаев, М.Х.Коххаров ҳамда бошқалар томонидан А, Х, Y ва MF1 русумидаги цеолитларни, гил минералларни, аэросил, мусковит, силикагел, рутил ва бошқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион-калориметрик қурилма билан шунингдек, уларда борадиган ютилишнинг дифференциал иссиқлиги, изотермаси, термокинетикаси ва энтропиясини ўрганган. Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, водород, калий, ҳамда аммоний катионли ZSM-5 типдаги цеолитларда ароматик, квадрупол, нормал занжирли алканлар, қутбли ва қутбсиз тузилишли молекулаларнинг адсорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган ва улар ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Булардан ташқари, асосан адсорбция жараёни рентген, хроматографик, спектроскопия усулларда тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, калориметр усулида ўрганилган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-7-010 рақамли “Наноструктурали фожазит типдаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши” (2017-2020 й.й.), ҳамда ФА-Ф7-012 рақамли “Полифункционал таъсирли катор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади H^+ , K^+ , NH_4^+ -ZSM-5 типдаги цеолитларда турли хил тузилишли газ ва буғ молекулалари адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари, изотермаси ҳамда механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адсорбцион – калориметрик усул ёрдамида KZSM-5, HZSM-5, NH_4 ZSM-5 цеолитларида турли хил адсорбатлар, яъни н-гептан, н-гексан, сув, метил ва этил спиртлари, аммиак, CO_2 , бензол, орто-, мета-, пара- ксилоллар ҳамда триэтиламинлар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари ва изотермасини ўрганиш;

ўрганилган молекулаларининг 303 К да модданинг тўйиниш буғ босимигача бўлган адсорбцияланишни молекуляр механизми ва ҳосил бўлган ион-молекуляр комплексларини тузилиши ҳамда сонини аниқлаш;

цеолит матрицасидаги ион-молекуляр кластерларнинг ҳолати, конформация ва локализациясини аниқлаш;

цеолит структурасидаги термокинетик адсорбция ва катионларнинг кўчиб ўтиш (миграция) қонуниятини ўрганиш;

адсорбция изотермаларини тадқиқ қилиш, шунингдек уларни микроғовакларни ҳажмий тўйиниш назариясининг (МХТН) икки ва уч ҳадли тенгламалари орқали тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адсорбент H^+ , K^+ , NH_4^+ -ZSM-5 цеолитларининг битта элементар ячейкаси HZSM-5 – $H_{3,25}Al_{3,25}Si_{92,75}O_{192}$; KZSM-5 – $K_{3,6}Al_{3,6}Si_{92,4}O_{192}$; NH_4 ZSM-5 – $(NH_4)_{1,35}Al_{1,35}Si_{94,65}O_{192}$ ва адсорбатлардан н-гептан, н-гексан, сув, метил ва этил спиртлари, аммиак, CO_2 , триэтиламин, бензол ҳамда орто-, мета-, пара- ксилоллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий модификация, идентификация, физик - кимёвий хоссалар, сорбция, хемосорбция, десорбция, системаларнинг матрицасидаги ион–молекуляр комплексларнинг ҳолати, локализация, дифференциал иссиқлик, изотерма, энтропия ва термокинетикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик кимёвий, калориметрик таҳлил ва дифференциал термокинетик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

н-Гептан, н-гексан, сув, метил ва этил спиртлари, аммиак, CO_2 , триэтиламин, бензол, ҳамда орто-, мета-, пара- ксилолларнинг H^+ , K^+ , NH_4^+ -ZSM-5 цеолитида адсорбцияланиши асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) ва изотермаси олинган, ҳамда адсорбция изотермасини

микроҗовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясининг (МХТН) икки ва уч ҳадли математик тенгламалари асосида исботланган;

Адсорбция жараёнида HZSM-5 цеолитининг ён каналларидан тўғри ва зигзак каналлар кесишиш бўшлиқларига протонларнинг кўчиши, K^+ , NH_4^+ - ZSM-5 цеолитларида эса K^+ ва NH_4^+ катионларининг миграцияси кузатилмаганлиги исботланган;

KZSM-5 цеолитида углерод диоксид адсорбциясини тўйинишига яқин тример ҳолатдаги ион-квадрупол комплекс $(CO_2)_3/K^+$ ҳосил бўлиши аниқланган;

ZSM-5 цеолитларида метанолнинг адсорбциясида метокси гуруҳи K^+ ҳамда H^+ катионлар билан ўзоро таъсирлашиб, фақат 1 : 1 нисбатда тўғри ва зигзак каналларида “S” кўринишидаги комплекс, 1 : 4 нисбат билан эса тўғри ва зигзак каналлари кесишмасида тетраэдрик $\{CH_3O\}_4H^+$ комплекс ҳосил қилиши исботланган;

Цеолит марказларида жойлашган катионларнинг фаоллиги ошиб бориши билан уларда адсорбция нисбатининг ошиши исботланди. Масалан, фаол марказида H^+ бўлган ZSM-5 цеолитига ўртача 17 та $H_2O/э.я.$ тўғри келса, KZSM-5 цеолитида 36 та $H_2O/э.я.$, адсорбцияланиши аниқланди;

Цеолитларда сув, метанол ва этанолни адсорбцияланиши вақтида адсорбция мувозанатини ўрнатиш вақти секин ($a < 2,4$ ммоль/г) ва тез ($a > 2,4$ ммоль/г) бориши аниқланган.

ZSM-5 цеолитлари анологининг ташқи сиртига триэтиламин адсорбциясининг термодинамик хусусиятларини аниқлаш натижасида цеолитнинг ташқи юзасида 2 хил турдаги адсорбцион марказларнинг мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ZSM-5 цеолитида н-гептан, н-гексан, сув, метил ва этил спиртлари, аммиак, CO_2 , триэтиламин, бензол, ҳамда орто-, мета-, пара- ксилолларнинг молекулаларининг адсорбцияларининг термодинамик ва иссиқлик эффекти жараёнларида бир қанча назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари янги авлод цеолитларини, яъни маҳаллий хом-ашёлардан самарали сорбентларни синтез қилиш имконияти яратилган;

CH_2 -гуруҳидан чиқадиган адсорбция иссиқлиги пастлиги, яъни иссиқлик инкременти ~ 10 кЖ/моль га тенг бўлиб, гомологик қатор сонига қараб адсорбция иссиқлигини олдиндан аниқлаш имконияти асосланган;

«Чинос НКІЗ» МЧЖда автомобил бензини таркибидаги қўшимча ароматик бирикмалардан (бензол) ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш, шунингдек дизел ёқилғисини таркибидаги зарарли азот бирикмалари ва олтингугуртли моддалардан адсорбция қилиб ажратиб олиш имкониятлари асосланган;

«Чинос НКІЗ» МЧЖда асос мойлари ва оқова сувларидан экология учун ҳафвли бўлган аммиак, ҳамда бензол моддаларини самарали тозалаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (элемент, гравиметрик) ва физик-кимёвий (дифференциал термокинетик

тахлил, калориметрик) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стюдент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиқ интервали орқали қийматларни ҳисоблаган ҳолда статик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалга оширилган адсорбцион-калориметрик тадқиқот иши физик адсорбциянинг назарий ривожланиши учун шунингдек, сорбцион техникада аппаратлар ва жараёнлар бўйича амалий ҳисоблаш учун зарурий бўлган ҳамда ўрганилган тизимларнинг асосий термодинамик функцияларини билишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил молекулаларнинг адсорбентларга адсорбцияланишини бошланғичдан то тўйиниш босимигача бўлган тўлиқ механизми ва молекулаларнинг фаол марказлардаги катионлар билан ҳосил қилган ион-молекуляр комплексларини ўрганилиши янги сорбентларнинг олиниши ва қўлланиши учун хизмат қилади. Бундан ташқари ОТМ магистр талабаларига физик ва коллоид кимё фанидан ўтиладиган махсус курсларида қўлланилади. Тадқиқот қилинган адсорбентлар бензин ва дизел ёқилғиларини органик бирикмалардан, ароматик бирикмалар, азотли бирикмалар, ҳамда олтингугурт бирикмаларидан тозалашда ва қуриштиришда; ишлаб чиқиш корхоналарида техник оқова сувларини тозалашда; олинган маълумотлар эса маҳаллий минерал хом ашёдан молекуляр ғалвирларни синтез қилишда асос сифатида тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма ёрдамида юқори аниқликдаги адсорбциянинг тўлиқ термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) бўйича олинган илмий натижалари асосида:

MFI (ZSM-5) цеолитларида адсорбцион-калориметр усули ёрдамида олинган адсорбциянинг дифференциал иссиқлиги, изотермаси, энтропияси ва термокинетикалари асосида олинган натижалар ФА-Ф7-012 рақамли “Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада турли хил тузилишли ва фаол марказга эга координацион бирикмаларда сорбцияланиш хоссасининг механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 28 октябрдаги № 4/1255-2327-сонли маълумотномаси). Натижада, цеолитлар ва координацион бирикмаларнинг таркибидаги атом, молекулалар ва ионлардаги боғлар табиати, ҳамда энергиялари аниқланиб, турли физик-кимёвий хоссалари, шунингдек термодинамик хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

ZSM-5 типдаги цеолитлар аналоглари «Чиноз НКИЗ» МЧЖда автомобил бензинини таркибидаги қўшимча ароматик бирикмалардан (бензол) ва олтингугуртли бирикмалардан тозалашда, ҳамда дизел ёқилғисини

зарарли моддалардан, яъни азотли бирикмалар ва олтингугуртли моддалардан тозалаш ишланмалари “Ўзбекнефтгаз” АЖни 2021-2023 йиллардаги истиқболли режаларига киритилган. («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 14 декабрдаги 03-17-5/158-сон маълумотномаси). Натижада автомобил бензини таркибидаги кўшимча ароматик бирикмалардан (бензол) ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш даражасини 3-10 баробарга ошириш имконини, шунингдек дизел ёқилғисини таркибидаги зарарли азот бирикмалари ва олтингугуртли моддалардан тозаланиш даражасини 80% ва 93,75% ошириш имконини берган;

ZSM-5 типдаги цеолитлар аналоглари «Чиноз НҚИЗ» МЧЖ да асос мойлари ва оқова сувларидан экология учун ҳафвли бўлган аммиак, ҳамда бензол моддаларини ажратиб олиш усуллари “Ўзнефтмахсулот” АЖни 2020-2023 йиллардаги истиқболли режаларига киритилган. («Ўзнефтмахсулот» АЖнинг 2019 йил 26 июлдаги 29/15-1395-сон маълумотномаси). Натижада аммиак ва бензол моддаларини ажратиб олишни мос равишда руҳсат этилган кўрсаткич қийматларидан 0,01 мг/л ва 0,002 мг/л га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш ва 1 та монография нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 2 та скопус базасидаги, 6 таси хорижий журналларда ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“ZSM-5 цеолитлари фаол марказларининг ноёблиги, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида, ZSM-5 цеолитларини батафсил тузилиши

яъни уларни каркаси ва фаол марказларидаги атомларни сони ва жойлашишларини дунё олимлари томонидан турли хил усуллар билан ҳам аниқланган.


Бундан ташқари бу бобда ZSM-5 цеолитларини ўзига хос хусусиятлари, яъни гидрофоб табиати ҳақида қаттиқ агрегат ҳолатга эга бўлган ZSM-5 цеолитлари билан турли хил тузилишга эга бўлган буғ ва газлар чегарасида амалга ошувчи жараёнлар, асосан, юзалар кимёси ва қаттиқ фазаларнинг ғовакдор структураси ва фаол марказлар билан адсорбцияси ифодаланган. Кимё технологияси учун адсорбентларни олишда табиий адсорбентлар ва улар асосида физикавий ва кимёвий модификация йўли билан олинган адсорбентлар ўртасида борадиган тадқиқотлар амалга оширилиш ишларини солиштириб шарҳланган.

Калориметрик ва бошқа усулларда турли хил сорбентларни адсорбцион термодинамик хусусияларини аниқлаш ва фаол марказларида кечадиган ютилиш соҳалари таҳлили тўғрисидаги олиб борилган хорижий ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобдан ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг **“ZSM-5 цеолитларида ноорганик моддалар молекуллари адсорбцияси тамойиллари”** деб номланган иккинчи бобида, углерод диоксид, аммиак, сув молекуллари адсорбциясига бағишланган бўлиб, унда тажриба ишлари маълумотларидан адсорбциянинг изотермаси ва асосий термодинамик хусусиятлари батафсил ёритилган.

KZSM-5 цеолитда CO_2 нинг адсорбцияланиши. 1а-расмда KZSM-5 цеолитда 303 К да CO_2 нинг адсорбция дифференциал иссиқлигининг эгри чизиғи кўрсатилган. Цеолитнинг тўйиниши ортиб бориши билан иссиқликнинг поғонасимон камайиши ҳосил бўлиб, у уч қисмда характерланади. Биринчи қисмда карбонат ангидрид адсорбцияси дифференциал иссиқликнинг 69 кЖ/моль дан 43,8 кЖ/моль гача камайиши ~ 0,55 ммоль/г да кузатилди. Сўнгра ~43,8 кЖ/моль дан 45,2 кЖ/моль гача иссиқлик кичик ўсиш билан CO_2 молекуллари 1,11 ммоль/г миқдор адсорбцияланади. Адсорбцияни учинчи қисми ~1,11 ммоль/г дан поғона ҳосил қилиб, 1,8 ммоль/г гача бўлиб, бу қиймат 27 кЖ/моль, яъни CO_2 нинг конденсация иссиқлик қиймати яқинида кузатилади. Биринчи қисмнинг давомийлиги (0,55 ммоль/г гача) айнан цеолитнинг элементар ячейкаси таркибидаги катионлар сонига мос келади. Бу қисм цеолит матричасида CO_2 нинг катионлар билан ион-квадрупол комплексига мос келади ва $\text{CO}_2:\text{K}^+$ мономер комплексини ҳосил қилишидан далолат беради. Цеолит матричасининг ўзида 303К да карбонат ангидридни адсорбцияламаслигини ҳисобга олсак, иккинчи қисмда ZSM-5 цеолит матричасида димер комплекс $2\text{CO}_2:\text{K}^+$ ва учинчи қисмда эса тример комплексини $3\text{CO}_2:\text{K}^+$ ҳосил бўлишини ифодалайди. KZSM-5 даги катионли марказлар турлича бўлади ва адсорбция энергиясида катта фарқ қилади.

KZSM-5 цеолитда карбонат ангидриднинг адсорбция изотермаси ярим логарифмик координаталарда келтирилган (1б-расм). Кичик тўйиниш учун мувозанат босимлари $P/P^\circ=3,5 \cdot 10^{-5}$ га етади.



1–расм. 303К да KZSM-5 цеолитида CO_2 адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (А), Штрих чизик - 303К да CO_2 конденсацияси. изотермаси (♦ – эксперимент қийматлари, ◇ – МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропияси (В)

~0,55 ммоль/г адсорбциягача катионларнинг умумий сонига тўғри келиб, изотерма чизиғи эгилувчан кўринишда кўтарилади, кейин адсорбция ортиши билан деярли тўғри чизикли бўлади. KZSM-5 цеолитида CO_2 адсорбция изотермаси икки хадли микрофовакларни ҳажмий тўйиниш назариясининг (МХТН) тенгламаси билан тафсивланади (1б-расм).

$$a = 1,52 \exp[-(A/12,4)^4] + 0,33 \exp[-(A/1,8)^8]$$

бу ерда a -ммоль/г даги адсорбция ва $A = R \cdot T \ln(P^0/P)$ 1 ммол газни сиртдан (босим P^0) мувозанат газ фазасига (босим P) ўтказиш иши.

1-расмдан кўринадики ҳисобланган назарий маълумотлар билан тажриба қийматлари бир-бирига муносиб эканлигини кўриш мумкин.

KZSM-5 цеолитида карбонат ангидриднинг адсорбция энтропия ўзгариши изотерма ва дифференциал қийматлари асосида (ΔS_d) Гиббс-Гельмгольцнинг дифференциал моляр энтропияси тенгламаси ёрдамида ҳисобланди.

$$\Delta S_a = \frac{\Delta H - \Delta G}{T} = \frac{-(Q_a - \lambda) + RT \ln 760/P}{T}$$

CO_2 адсорбция жараёнидаги энтропия ўзгариши стандарт шароитдаги ҳолати учун ҳисобланди. Бунда λ бу CO_2 нинг 303 К даги конденсация иссиқлиги ҳисобланади, ΔH ва ΔG – модданинг адсорбция вақтидаги стандарт ҳолатдан адсорбцияланган ҳолатга ўтишидаги энтальпия ва эркин энергиясининг ўзгариши.

Ўртача энтропия графигидан ҳар бир нисбатдаги ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлишида энтропия қийматининг кескин ўзгаришини кўришимиз мумкин. Жумладан, адсорбциянинг бошланғич қисмида дифференциал иссиқликга мувофиқ, (ΔS_d) энтропия эгри чизиклари ~0,56

ммоль/г тўйинишгача тўлқинсимон кўтарилади, кейин у доимий ва тўйиниш тугашига яқинроқ деярли бир хил ўсишда давом этади. Карбонат ангидриднинг катионлар билан 1:1 нисбатдаги ўзаро таъсири қуйи энтропия қийматларида амалга ошади. Энтропия $-28 \text{ Ж/моль} \cdot \text{К}$ дан $-10 \text{ Ж/моль} \cdot \text{К}$ гача қисман эгилиш билан чизикли кўтарилиб, адсорбция миқдори 1,12 ммоль/г бўлганда, яъни карбонат ангидрид билан катион димер комплекси $2\text{CO}_2:\text{K}^+$ дан сўнг поғона ҳосил қилиб камайишни бошлайди. $3\text{CO}_2:\text{K}^+$ ион-молекуляр комплекси ҳосил бўлишида энтропия ўзгариши кам таъсир кўрсатади ва у деярли доимий бўлади. Адсорбциянинг ўртача молекуляр энтропияси $-19,5 \text{ Ж/моль} \cdot \text{К}$ бўлиб, у суяқ CO_2 нинг энтропиясидан анча пастда ва цеолит каналларидаги адсорбцияланган молекулаларнинг ҳаракатчанлиги чекланганлигини кўрсатади (1в -расм).

HZSM-5 ва KZSM-5 цеолитларида аммиак адсорбцияланиши. $\text{H}_{3,25}\text{ZSM-5}$ цеолитда аммиакнинг дифференциал адсорбция иссиқлиги (кЖ) эгри чизик орқали ифодаланиб, у босқичма-босқич характерга эга (2а-расм). Адсорбция иссиқлиги 180 кЖ/моль дан бошланиб ва босқичма-босқич суяқ азотнинг конденсация иссиқлиги 20 кЖ/моль гача камаяди. Адсорбциянинг бошланғич тўйиниш поғонасида асосли - NH_3 молекуласи билан протонларнинг стехиометрик ўзаро таъсири акс этиб, бунда кимёвий адсорбция ходисаси кузатилади. Ўрганилган HZSM-5 цеолитида жами 3,22 ммоль/г аммиак молекулалари адсорбцияланиб, шундан 2,2 ммоль/г NH_3 протонларга адсорбат-адсорбент, 1 ммоль/г адсорбат-адсорбат ҳосил қилиши билан боради. Ўртача ҳар бир водород ионга 4 та аммиак молекуласи адсорбцияланади. Шундай қилиб, 180 дан 64,87 кЖ/моль гача бўлган биринчи юқори энергияли поғона ўзгаради, яъни 0,55 ммоль/г аммиакнинг ҳар бир протонларидаги адсорбцияси 1:1 нисбатда намоён бўлади. Давомийлиги 64,87 ммоль/г дан 41 кЖ/моль гача бўлган иккинчи поғона катионларига 1,12 ммоль/г бўлган аммиак адсорбцияланишини $2\text{NH}_3:\text{H}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлишини кўрсатади. Кейинги 2 та аммиак молекулалари адсорбция иссиқлиги деярли ўзгармас, яъни $\sim 30 \text{ кЖ/моль}$ иссиқлик билан адсорбцияланиб, $4\text{NH}_3:\text{H}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлади. Адсорбциянинг кейинги босқичларида адсорбция дифференциал иссиқлиги 303К ҳароратда 2 та молекула аммиак адсорбат-адсорбат ўзаро бирикиб, суяқ аммиакнинг конденсация иссиқлигигача тушади.


KZSM-5 цеолитида аммиак адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги 2а-расмда кўрсатилган. Адсорбция иссиқлиги поғонали кўринишда бўлади. Аммиак адсорбциясини ўрганишда тасодифан $\text{K}^+(\text{NH}_3)_7$ комплекси ҳосил бўлиши аниқланди. Марказда калий катиони атрофида 21 та водород атомларидан иборат бўлган ўрам ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган бу ўрам ўзининг ўлчамига кўра фақат тўғри ва зигзак каналларнинг кесишиш чорраҳасида жойлашиши мумкин.

Дастлабки турли кристаллографик позицияларда K^+ катионлари билан аммиакнинг адсорбцияси уч хил бўшлиқ билан боғлиқ. Адсорбция бу бўшлиқларнинг асосан иккитасида боради. Бунда катионлар шартли равишда K^{I} ва K^{II} деб аталади. Аммиак K^{I} да 2:1, K^{II} да эса 1:1 нисбатда

адсорбцияланади. Бундан кейин ҳам бу нисбат сақланиб қолади ва тўйиниш сўнггида K^+I га 4 та NH_3 , K^+II га эса 3 та NH_3 адсорбланади.

2б-расмда K^+ ва H^+ ZSM-5 цеолитларида аммиак адсорбциясини ярим логарифмик координата изотермаси кўрсатилган. Умумий ҳолда адсорбция изотермаси эгилувчан характерга эга. Паст босимларда аммиак молекулалари протон билан кучли таъсирлашади. Бу натижалардан қизиқарли ҳолат шундан иборатки, бир хил тўйинишда адсорбция изотермаси дифференциал иссиқлик эгри чизиғи босқичларида бир-бири билан корреляция ҳодисаси содир бўлади.

HZSM-5, KZSM-5 цеолитларида аммиак адсорбция изотермаси 2б-



2–расм. 303K да K^+ ва H^+ -ZSM-5 цеолитида аммиак адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (А), Штрих чизик - 303K да NH_3 конденсацияси, изотермаси (K^+ -♦ ва H^+ -♦ – эксперимент қийматлари; K^+ -◇ ва H^+ -◇ – МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропияси (В)

расмда яримлогарифмик координаталарда кўрсатилган. Цеолитларда аммиак адсорбцияси изотермаси МХТН нинг уч ҳадли тенгламаси билан тўла таърифланади: HZSM-5 цеолити учун куйидагича;

$$a=0,4\exp[A/28,24]^{40}+0,4\exp[A/24,71]^{15}+2,48\exp[A/11,02]^2$$

KZSM-5 цеолити учун биринчи ҳади $a_{01} = 2,84$ ммоль/г, $E_1 = 30,8$ кЖ/моль ва $n_1 = 7$; иккинчи ҳади $a_{02} = 0,65$ ммоль/г, $E_2 = 17,33$ кЖ/моль ва $n_2 = 3$; учинчи ҳад учун $a_{03} = 0,57$ ммоль/г, $E_3 = 9,41$ кЖ/моль ва $n_3 = 5$; кўрсаткични кўрсатади. Бу назарияда олинган адсорбция графиги тажрибада олинган изотерма билан тўла мос келади.


Цеолитларда аммиак адсорбциясининг иссиқлик ва энтропиянинг поғонали характерига мувофиқ у полиэкстремал шаклга эга бўлиб, ҳар бир поғонада адсорбциянинг энтропия ўзгариши акс этган. Аммиак адсорбциясини (ΔS_d) энтропияси Гиббс–Гельмгольц тенгламаси бўйича изотермалар ва адсорбциянинг дифференциал иссиқлигидан ҳисобланади.

Бошланғич энтропия эгри чизиғи суяқ аммиакнинг энтропия сатҳидан пастда жойлашган бўлиб, адсорбция миқдори ортиб бориши билан

тўлқинсимон ўсади (2в-расм). Дастлабки минтақада қаттиқ аммиакнинг энтропияси -380 Ж/моль*К ва ~ -204 Ж/моль*К қийматларини ташкил этади. Бу эса аммиакнинг кичик тўйинишларда кучли локализациясини кўрсатади. Агар аммиак энтропиясининг ўртача интеграл қиймати -58 ва $-65,5$ Ж/моль*К эканлигини ҳисобга олсак, цеолит матрицаларида аммиакнинг ҳаракатчанлиги умуман тормозланган ҳолатда бўлади.

H^+ ва K^+ ZSM-5 ларда адсорбция мувозанатини ўрнатиш вақти $a=1,45$ ммоль/г гача жуда секин, яъни 12 соатдан бошланиб, 1,5 соатгача этади. Бундан ташқари, тўйиниш ошганда жараён тезлашади ва мувозанат жуда тез 2-3 соат вақт ичида ўрнатилади.

KZSM-5 ва HZSM-5 цеолитларида сув адсорбциясининг изотермаси, дифференциал иссиқлиги, энтропияси ва иссиқлик мувозанат вақти. 3а-расмда цеолитларда сув буғлари адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари ҳам келтирилган. Адсорбциянинг бошланғич иссиқликлари кучли адсорбцияланган сувнинг микдори $H_2O:H^+$ ва $2H_2O:K^+$ схемаларига мос келади. HZSM-5 цеолити иссиқликларининг чизиқли тушиб кетиши асосий каналлар ташқарисида сув томонидан экранлашган позициясидаги протонларни чиқариб олишидан далолат беради. Иккинчи, учинчи ва



3-расм. 303К да K^+ ва H^+ -ZSM-5 цеолитларида H_2O адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (A), Штрих чизиқ - 303К да H_2O конденсацияси, изотермаси (K^+ - \diamond ва H^+ - \diamond - эксперимент қийматлари, K^+ - \diamond ва H^+ - \diamond -МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропияси (B)

тўртинчи молекулаларнинг адсорбцияси 75,3-45,61 кЖ/моль қийматидаги оралиғидаги иссиқликда ўтади ва яқунлангандан кейин эса 41,67 кЖ/моль гача кескин тушиб кетади ва тетраэдрик ион – диполли комплекс ҳосил қилади. Катионга нисбатан олинганда цеолитда жами 5 та сув молекуласи адсорбцияланади. KZSM-5 цеолитида сув буғлари адсорбцияси дифференциал иссиқликлари келтирилган. K^+ ва сувнинг 8 та молекуласидан иборат комплекслар тўғри ва зигзак каналларнинг кесишмаларида жойлашади. Тўлик

адсорбция катионга нисбатан ҳисобланганда сувнинг 11 та молекуласини ташкил қилади.

Цеолитларда сув адсорбциясининг изотермаси ярим логарифмик координаталарда келтирилган (3б-расм) ва у паст бўлган босимда ботик кўринишга эга. Бу эса ўзаро кучли таъсирланувчи адсорбцион марказларнинг мавжудлигидан далолат беради. HZSM-5 ва KZSM-5 цеолитларида мос равишда сув адсорбциясининг МХТН тенгламаси билан тавсифланган (3б-расм). У адсорбентни нолдан то тўйинишгача уч ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тасвирланади:

$$a = 1,48 \cdot e^{-\left(\frac{A}{14,18}\right)^2} + 0,74 \cdot e^{-\left(\frac{A}{5,26}\right)^2} + 0,78 \cdot e^{-\left(\frac{A}{0,99}\right)^1}$$

$$a = 2,203 \exp[-(A/36,65)^2] + 1,531 \exp[-(A/8,26)^2] + 2,333 \exp[-(A/3,77)^2]$$

KZSM-5 цеолитида сув адсорбциясининг (ΔS_a) энтропияси максимал қийматидан (69,3 Ж/К·моль) нол чизигигача чизиқли равишда ошиб боради (3в-расм). Нол чизиги K^+ катионига (0,56 ммоль) нисбатан битта сув молекуласи адсорбциясидаги суяқ сув энтропияси сифатида олинган. Кейинчалик ΔS_a тўлқинсимон равишда ўзгаради, яъни 2 N/M (N/M - хар бир катионга адсорбцияланган адсорбатлар сони) адсорбцияда максимум орқали ўтади (-41,3 Ж/К·моль), 1,8 N/M адсорбциясида минимал қиймат орқали ўтади (-50 кЖ/К·моль). Кейинги ўринда KZSM-5 цеолити сув молекулалари билан тўлиши ортиши сайин, ΔS_a нинг қиймати 11 N/M адсорбциясида 39,3 Ж/К·моль гача ошиб боради. Умуман айтганда K^+ катионлари билан боғланган сув молекулаларининг харакатчанлиги суяқ сувнинг харакатчанлигига жуда яқин.

HZSM-5 цеолитида ҳам сув адсорбциясининг молли дифференциал энтропиясини (ΔS_a) тўлдирилиш билан боғлиқлиги келтирилган Бошланғич соҳада HZSM-5 цеолити сув адсорбциясининг энтропияси -220 дан 0 Ж/моль*К гача ошиб боради. 1,65 ммоль/г адсорбцияда энтропия -19 Ж/моль*К қийматга эга бўлади, кейинчалик эса 1,9 ммоль/г да -23 Ж/моль*К гача тушиб кетади. Ундан кейин энтропия тўлқинсимон равишда ошиб боради. $a = 2,97$ ммоль/г қийматида суяқ сув энтропиясига тенг бўлади.


Молекула/катион комплекси тўлиқ шакллангунга қадар адсорбцион мувозанат вақти секинлашади. Умумий жиҳатдан адсорбция жараёни тахминан 11 соатда якунига етади. Тўрт ўлчамли комплекс шаклланадиган соҳа адсорбция жараёни секинлашадиган соҳа ҳисобланиб, кейинги адсорбция босқичларида мувозанат вақти тезлашади.

Диссертациянинг “**ZSM-5 цеолитида бир атомли спиртлар буғининг адсорбцияси**” деб номланган учинчи бобида метил ва этил спирти молекулаларини адсорбциясига бағишланган бўлиб, унда адсорбциянинг асосий термодинамик хусусиятлари, яъни дифференциал иссиқлик, изотерма, дифференциал молли энтропия, шунингдек адсорбция мувозанатининг ўрнатилиш вақтлари батафсил ёритилган.

HZSM-5 ва KZSM-5 цеолитларида метанол адсорбция изотермаси, дифференциал иссиқлиги, энтропияси ва иссиқлик мувозанат вақти.

Цеолитларда метанол адсорбциясининг дифференциал иссиқликларини тадқиқ этилган. 4а-расмда кўрсатилганидек, адсорбциянинг бошланғич қисмида дифференциал иссиқлиги эгри чизиғи 128,7 кЖ/моль юқори даражаси энергетик босқични ҳосил қилиб, 83,7 кЖ/моль гача чизикли камайиб, 0,56 ммоль/г адсорбция миқдорида поғона ҳосил қилади, яъни метанолнинг H^+ катиони билан юқори энергетик адсорбцияси 1:1 нисбати ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Худди шу нисбатда K^+ катиони билан ҳам адсорбат 116 кЖ/моль юқори даражали энергетик босқичда адсорбцияланади. Адсорбция дифференциал иссиқлиги 57,1 кЖ/моль бўлганда 1,12 ммоль/г адсорбция миқдорида иккинчи поғона ҳосил бўлиб, $2CH_3OH:H^+$ комплекс шаклланади. Кейинги иккита метанол молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги қисман, яъни 55,1 кЖ/моль гача камайиб, 2,25 ммоль/г адсорбция миқдорида $4CH_3OH:H^+$ тетра комплексни ҳосил қилади. K^+ марказли цеолитда ҳам адсорбция миқдори ошиши билан аста секин спиртнинг икки, уч ва тўрт молекулалари билан K^+ катиони ўртасида турли нисбатдаги комплекслар шаклланади, ҳамда иссиқлик 64,8 кЖ/моль дан 55 кЖ/моль гача пасаяди. HZSM-5 цеолитида метанолнинг адсорбцияси катионга нисбатан қайта ҳисобланганда 8 та молекулани ташкил этади. KZSM-5 цеолитида эса бу кўрсаткич 6,5 та молекулани ташкил этади.

HZSM-5 цеолитида метанол адсорбциясининг изотермаси, $P/P_s=0,826$ (ёки $P=124$ мм.сим.уст. гача) нисбий босимларда, 8 N/M гача етказилган.



4-расм. 303К да K^+ ва H^+ -ZSM-5 цеолитида метил спирт адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (А), Штрих чизиқ - 303К да метил спирт конденсацияси, изотермаси (K^+ -♦ ва H^+ -♦ – эксперимент қийматлари, K^+ -◇ ва H^+ -◇ –МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропия (В)

Цеолитдаги метанол зичлигини тажриба ҳароратидаги нормал сууюқликдаги каби қабул қилсак ва тўйинишдаги метанол молекуласи эгаллаган ҳажми

ҳисобласак, унда HZSM-5 цеолити сорбцион ҳажмининг $\sim 0,18$ см³/г қисмини эгаллаганини кўришимиз мумкин, бу эса $\sim 98\%$ ташкил қилади.

KZSM-5 цеолитида метанол адсорбциясининг изотермаси $P/P_s=0,788$ (ёки $P=112$ мм.сим.уст. гача) нисбий босимларда $6,5$ N/M гача етказилган. Цеолитдаги метанол зичлигини тажриба ҳароратидаги нормал суюқликдаги каби қабул қилсак ва тўйинишдаги метанол молекуласи эгаллаган ҳажми ҳисобласак унда, KZSM-5 цеолити сорбцион ҳажмининг $\sim 0,178$ см³/г қисмини эгаллаганини кўришимиз мумкин, бу эса $\sim 90\%$ ташкил қилади.

4б-расмдан кўриниб турибдики, ҳисобланган назарий маълумотлар тажриба маълумотлари билан ўзаро мос келади.


H^+ ва K^+ фаол марказли ZSM-5 цеолитларида метанол адсорбциясининг молли дифференциал энтропияси (ΔS_a) метанолнинг суюқ ҳолат энтропиясидан фарқ қилади ва нолдан пастда жойлашади. Бу ҳолат метанолни катион билан 1:1 нисбатда ўзаро кучли таъсиридан далолат беради. Адсорбция бошланишининг (ΔS_a) 1 N/M - 4 N/M гача адсорбциясида ΔS_a қиймати аста секин ўзгариб боради. Адсорбциянинг кейинги босқичлари цеолитнинг “силикалитли” қисмида амалга ошади. Адсорбциянинг ўртача молли энтропиясига кўра, цеолитда спиртнинг ҳаракатчанлиги суюқ фазадаги метанол ҳаракатчанлигидан паст, лекин унинг қаттиқ фазадаги ҳаракатчанлигига яқин.

Адсорбцион мувозанатни ўрнатиш вақти HZSM-5 даги адсорбция ҳолатидаги каби K^+ ва метанолнинг нисбати 1:1 бўлганида максимум орқали ўтади (8,86 соат). Кейинги адсорбция мувозанат қиймати кескин камайиши туфайли H^+ катионлари цеолитнинг ён каналларидан, кесишиш ва асосий канал бўшлиқларига миграция бўлади. K^+ катионлари билан адсорбцияда диффузия ҳодисаси кузатилмади. Метанол катионларга 1:1 нисбати билан цеолит каналларида S-ўлчамли комплексларни шакллантириб жойлашади. Канал кесишмаларида эса тетраэдрик тузилишли комплексларни шакллантириб адсорбцияланади.

KZSM-5 ва HZSM-5 цеолитларида этанол адсорбциясининг изотермаси, дифференциал иссиқлиги, энтропияси ва иссиқлик мувозанат вақти. KZSM-5 цеолитидаги этанолнинг эгри чизиғи асосан тўртта қисмдан иборат: биринчиси 0 дан $0,55$ ммоль/г гача бўлган тўйиниш қисмида этанол молекуласи юқори иссиқликда адсорбцияланади ва Q_d 140 дан $84,7$ кЖ/моль гача тушиб кетади; иккинчиси $0,55$ дан $\sim 1,14$ ммоль/г гача бўлган тўйиниш қисмида, бунда этанол молекуласи $\sim 71,7$ кЖ/моль иссиқликгача адсорбцияланади; учинчиси $\sim 1,14$ ммоль/г дан $\sim 1,8$ ммоль/г гача эгри чизиқ иккита платони шакллантиради ($71,7$ кЖ/моль ва ~ 63 кЖ/моль) ва ниҳоят, тўртинчиси $\sim 1,8$ ммоль/г дан ~ 3 ммоль/г гача ва бунда иссиқликлар доимий бўлиб, ўртача ~ 70 кЖ/моль га тенг бўлади. Кейинчалик эгри чизиқ $2,59$ моль/г да катта бўлмаган максимум (~ 74 кЖ/моль) орқали ўтади, ундан кейин эса 3 ммоль/г да конденсация иссиқлигигача тушиб кетади (5а-расм).

HZSM-5 ҳолатида адсорбция дифференциал иссиқлигининг (Q_d) эгри чизиғида юқори иссиқлик соҳаси мавжуд эмас (5а-расм).

Этанол 121,7 кЖ/моль иссиқлик билан бошланиб, адсорбция тўйинган сари дифференциал иссиқликлари чизикли равишда камайиб ва 2,35 ммоль/г тўйинишда максимум (71,7 кЖ/моль) қиймат билан боради. Ундан кейин



5–расм. 303К да K^+ ва H^+ -ZSM-5 цеолитида этил спирт адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (А), Штрих чизик - 303К да этил спирт конденсацияси, изотермаси (K^+ -♦ ва H^+ -♦–эксперимент қийматлари, K^+ -◇ ва H^+ -◇–МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропияси (В)

иссиқлик эгри чизиғи этанол конденсация иссиқлигигача тушиб кетади. Силикалит (катионсиз ZSM-5)нинг адсорбцияловчи каналлари бу бир хил наноғовакли тизим бўлиб, адсорбция иссиқликларининг доимий ўсишига олиб келувчи адсорбат-адсорбат кўринишидаги ўзаро таъсирлар орқали кучли боғланиш намоён бўлади.

KZSM-5 цеолитида этанол адсорбциясининг изотерма ўқи уч карра эгри чизиклардан иборат бўлиб, уларнинг қисмлари 5б-расмда келтирилган. Изотерма деярли тўйинишгача етказилган ($P/P_0 = 0,85$ да $a = 3$ ммоль/г). Хона ҳарорати шароитида HZSM-5 Si/Al = 28,3 цеолитида тахминан $a = 2,5$ ммоль/г этанол миқдори адсорбцияланади. Изотерманинг бошланғич қисмида адсорбция изотермаси бўртиб чиққан, бу эса кучли ўзаро таъсирга эга адсорбцион марказларнинг мавжудлигидан далолат беради. Кейинчалик изотерма 2,0 ммоль/г кўрсаткичида изотерма чизиғи қисман букилган шаклга эга. Цеолитдаги этанол адсорбциясининг изотермаси Браунэр классификацияси бўйича 1 типга мос келади. KZSM-5 цеолитида этанол адсорбциясининг изотермаси, кичик тўйинишлардан ~ 3 ммоль/г гача, икки ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a = 1,665 \exp[-(A/12,46)^4] + 1,33 \exp[-(A/1,03)^6]$$


HZSM-5 цеолити учун қуйидагича:

$$a = 0,66 \exp[-(A/12,46)^4] + 1,2 \exp[-(A/1,03)^6] + 0,78 \exp[-(A/5,68)^2]$$

Адсорбцион мувозанат ўрнатилиш вақтини адсорбция миқдорига боғлиқ холдаги эгри чизиғи келтирилган. K- ва H-ZSM-5 цеолитларида 0,55 ммоль/г гача адсорбция жараёни секин кечади (τ ўртача 8,5-10 соатга тенг). Бу ҳолат адсорбент қатламида этанол молекулаларининг қайта тақсимланиши жараёни секин кечиши билан боғлиқдир. 2,4 ммоль/г дан сўнг жараён тезлашади ва мувозанат $\sim 2,5-3,64$ соатдан 11-23 минутларда ўрнатилади.

Диссертациянинг “ZSM-5 цеолитида н.алканлар адсорбцияси” деб номланган тўртинчи бобида н-гексан ва н-гептан адсорбциясини асосий термодинамик кўрсаткичлари таҳлили баён этилган.

HZSM-5 ва KZSM-5 цеолитларида н-гексан адсорбциясининг изотермаси, дифференциал иссиқлиги, энтропияси ва иссиқлик мувозанат вақти. HZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари кичик тўйинишларда (0,167 ммоль/г гача) кескин равишда 108,71 кЖ/моль дан 80,74 кЖ/моль гача пасаяди (6а-расм) ва 0,525 ммоль/г адсорбция қийматида деярли ўзгармайди. KZSM-5 цеолитида эса кичик тўйинишларда (0,159 ммоль/г гача) кескин равишда 104 кЖ/моль дан 91,8 кЖ/моль гача пасаяди ва 0,553 ммоль/г адсорбция қийматида деярли ўзгармайди. Кичик тўйинишларда K^+ , H^+ -ZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари нисбатан юқори ($\sim 0,5$ ммоль/г гача) даражадаги иссиқликларнинг сабаби калий ва водороднинг катионлари билан н-гексан индукцион эффект ҳисобига ўзаро таъсири бўлиши мумкин.



6-расм. 303К да K^+ ва H^+ -ZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбциясини дифференциал иссиқлиги (А), Штрих чизик - 303К да н-гексан конденсацияси. изотермаси (K^+ -♦ ва H^+ -♦ –эксперимент қийматлари, K^+ -◇ ва H^+ -◇ –МХТН орқали ҳисобланган қийматлар) (Б) ва энтропияси (В)

Асосий қисмда тўйиниши ошиши билан н-гексан адсорбциясининг иссиқликлари деярли ўзгармайди (~ 80 кЖ/моль).

HZSM-5 цеолитида н-гексаннинг иссиқлик эгри чизиғи кескин равишда 1,2 ммоль/г адсорбцияда конденсация иссиқлиги 30,73 кЖ/моль гача тушиб кетади. KZSM-5 цеолитида бу кўрсаткич 1,45 ммоль/г га тенг. K^+ , H^+ -ZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбция изотерма чизиғи н-гептан изотерма чизиғи қийматларидан юкорида жойлашган.


HZSM-5 ва KZSM-5 цеолитларида н-гексан адсорбциясининг изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламалари билан мос равишда тавсифланади (6б- расм): $a=0,713\exp[-(A/19,77)^{10}]+0,355\exp[-(A/18,97)^8+1,38\exp[-(A/1,79)^1]$
 $a=0,42\exp[-(A/32,1)^9]+0,215\exp[-(A/16,82)^4+0,96\exp[-(A/11,9)^{11}]$

